

Ўйлаб кўриш, тааммулга чорлов



11:00 / 27.07.2021 1863

Эйнштейн айтади: «Осмонга кўтарилиш асносида ҳаво етишмаслиги ортиб ва ортиб бораверади. Ҳатто, ҳаво етишмаслик сабаб бўғилиш юзага келади».

Қуръони Карим эса бу ҳақда 1400 йил аввал шундай баён қилган:

«Кимни Аллоҳ ҳидоят қилмоқчи бўлса, унинг кўксини Исломга очиб қўядир. Кимни залолатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўядир» (Анъом сураси, 125-оят).

Эдвард Хаббл айтади: «Коинот мунтазам равишда кенгайишда давом этади ва ҳажми ҳам зиёдалашиб, ортиб боради».

Қуръони Карим баён қилади: **«Осмонни Ўз қўлимизда (қудратимиз) ила бино қилдик. Албатта, Биз уни кенгайтирувчимиз».** (Зориёт сураси, 47-оят).

Доктор Каролин Фавлор айтади: «Сокинлик ва ҳаракат нисбийдир. Чунки олам доимий ҳаракатдадир ва тоғлар ҳам ҳаракатланадилар».

Қуръони Карим баён қилади: **«Тоғларни кўриб, қимирламай турибди деб ҳисоблайсан. Ҳолбуки, улар булутнинг ўтишидек ўтурлар»** (Намл сураси, 88-оят).

Немис геологи доктор Мейнхлер айтади: «Ернинг истиқорда - мустаҳкам туришининг энг муҳим сабабларидан, ернинг остида мустаҳкам ўрнашган, ер усти, сатҳида эса бизга заиф, кичик кўринишда намоён бўладиган тоғлардир».

Қуръони Карим эса шундай баён қилади: **«У зот ер сизларни тебратиб юбормаслиги учун унинг устига баланд тоғларни ташлаб қўйди. Анҳорлару йўлларни ҳам. Шоядки, тўғри йўл топсангиз»**. (Наҳл сураси, 15-оят).

Манба: arabic.uz